УзССР Давлат китоб палатаси

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган	№ 19 (65994) 1997 йил, 5 март, чоршанба	Сотувда эркин нархда

сешанба чоршанба пайшанба жума

Бизга ёзадилар

Яхши гап тез тарқалади. Булоқбошиликларнинг олқишига сазовор бўлган хушхабар чиндан ҳам қувончли эди. Абдужалил Шарипов ўз шахсий жамғармаси ҳисобига мактаб қурди. Мактаб ҳам кичик эмас — 260 ўринли. Унда ўн битта синф хонаси мавжуд бўлиб, айни пайтда шу қишлоқ болалари мактабда таҳсил олишни бошлаб юбордилар.

Узоқ йиллардан буён темирйўлчи сифатида эл-юртга хизмат қилаётган Абдужа-

САВОБ ИШНИ ЭЛ АЛҚАР

лил Шарипов устози — фахрий муалим Йўлдошбой ака Бойбўтаев маслаҳатини олиб бу ишни бошлади. Ниҳоят, барча ишлар ортда қолиб, мактаб биноси қад ростлади. Ўқув жиҳозлари ва бошқа зарур буюмлар келтирилди. Абдужалил ака бу лаҳзаларни жуда интиқлик билан кутганди. Қишлоқ болалари ҳақиқий мактабга елчийдиган бўлдилар.

Кўприк қурган, масжид солган инсонларни алқаймиз. Фарзандлар камолини кўрмоқ илинжида, узоқ йўлини яқин қилмоқ мақсадида, ўз маблағи ҳисобига мактаб қурдирган Абдужалил акага қандай таъриф берсак арзиркан?! Келажагимиз гултожлари бўлмиш ёшлар учун қайғуришингиз, албатта бесамар бўлмас. Сиз бунёд этган илм масканида ҳали замонамизнинг буюк алломалари етишиб чиқажак деймиз. Мурғак қалбларнинг сизга билдирган эзгу тилаклари ижобат бўлади.

Нилуфар ДАВИДОВА.

КИМ ТЕЗ ТУГМА ҚАДАЙДИ?

Юқори Чирчиқ туманидаги 3-ўрта мактабда ташкил этилган «Моҳир қўллар» тўгараги аъзолари бичиш-тикиш ва тугма қадаш бўйича мусобақалашишди. Юқори синф қизларидан Гулзода Тошева, Феруза Ортиқова, Маҳзуна Акбарова, Муножот Норматовалар чевар эканликларини кўрсатдилар. Уларнинг ишига ҳайъат аъзолари юқори баҳо беришди.

Туман болалар ва ўсмирлар ижод уйининг совғалари билан тақдирланган голиблар чеварликдаги изланишлари чакки эмаслигини исботладилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

Қуёш яна кулди ўзгача,
Майсаларни уйғотди шамол.

Тўп тепамиз тағин кечгача,
Ур-ра, яна бошланди футбол!

«КЎКРАК КЕРИБ ЮРАМИЗ-ДА...»

Яқинда денг, мактабимизда жуда ажойиб бир учрашув бўлиб ўтди. Бунақаси бўлган эмас. Ҳа-ҳа, ишонаверинг. Мактабимизга кимлар келди денг? Ўзбекистонда хизмат кўрсатган сўз устаси Мирзабек Ҳолмедов ва Обиджон Асомовлар. Ишонмайман, дейсизми? Тўғри қиласиз. Чунки улар билан эмас, уларга ўхшашни жуда-жуда хоҳловчи, уларнинг юриш-туришларига, хатти-ҳаракатларига тўғридан-тўғри тақлид қилувчи мактабимизнинг «сўз уста»лари билан учрашдик. Мустақим Муҳамедов деган бола Мирзабекнинг, Олим Тўраев эса Обиджоннинг «худди ўзи» бўлиб саҳнага чиқиб келишганда, кулган ҳам кулди, кулмаган ҳам. Уларнинг ичакузди ҳангомаларини эшитиб кулавербмиз, кулавербмиз.

Келгусида Мустақим билан Олимжонлар ҳам эл севган, ардоқлаган санъаткорлар бўлиб етишишса, «Булар биз билан бир мактабда ўқишган» деб кўкрак кериб юрамиз-да!

Хосият РАШИДОВА,
Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 40-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

28 февраль куни Қозоғистон пойтахти Алматида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда табиатдаги ўзгариш жамият ҳаётига таъсир қилмай иложи йўқлиги таъкидланиб, «Орол муаммоси қачон ҳал этилади?» деган савол ўртага қўйилди. Юртбошимиз Ислом Каримов Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг Президенти этиб тасдиқланди.

* * *

Хайр энди, видога чоғ етди муддат,
Наздимда қолмади олдинда йўллар.
Қолгани яшиндек шошқин, тез суръат,
Муаллақ қотади узатиқ қўллар,

— деб ёзган эканлар сўнгги дамларида халқимизнинг ардоқли қизи Зулфия. Ўтган йилдан бери «бари бир қуёшнинг ўти ўчмайди» деб ишонган шоирамиз орамизда йўқ. 1 март— Зулфия туғилган кунда унинг шеърлари янада мағрур жаранглади. Баҳорнинг илк куни оламимизга шеър бўлиб, қўшиқ бўлиб кириб келди.

* * *

Бундан беш йил аввал 2 март куни БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон республикаси БМТга аъзо бўлган эди. 186 мамлакатни бирлаштирган, ер юзида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги фаолиятга чинакам хайрихоҳ деб тан олинган мамлакатимизнинг байроғи шундан бери БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида тенглар ичра тенг бўлиб ҳилпираб турибди.

* * *

Европада яратилган дурдона асарлар бизга, бизларники уларга тезроқ етиб боришини шиддаткор давр китобхонлари чин дилдан исташирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бу муаммони ҳал қиладиган бўлди.

* * *

Катта давраларда «Мен Ўзбекистон фарзандиман» деб фахрланадиган юртдошимиз Артур Григоряннинг бошига яна бахт қуши қўнди. Артур аргентиналик Раул Бальби билан ҳалол, муросасиз курашди. Ниҳоят унинг қўли ва юртимиз байроғи баланд кўтарилди. Ўзбекистон мадҳияси жаранггоси остида Артур Григорян «Олтин белбоғ» совринини мутлақ қўлга киритгани эълон қилинди.

ТАРИХ БИЛАН ТАНИШУВ

3-дарс



Қадимги хуннулар давлати

Ўтган суҳбатимизда айтган эдикки, милоддаң (ҳазрати Исо Масиҳ туғилган йилидан бошланган янги эрадан, аввалги VI-V асрларда жаҳонда энг буюк империялар қудратли, истилочи давлатлар Шарқда — Эрон ва Яқин Шарқ, Жанубда — Юнонистон давлатлари эди. Қадимият тарихчилари Херодот, Страбон, Полибий ва Фукидид асарларида ёзилишича, Юнонистон милоддан аввалги VI—V асрларда энг гуллаб - яшнаган, «олтин даври» ни бошдан кечираётган эди. Шу даврда Юнонистонда давлат бошлиғи — подшоҳ ёки монарх, ёки тиран император эмас, балки ҳарбий саркарда ва давлат арбоби — стратег (йўлбошчи) эди. Стратег Перикл даврида Юнонистон Эгей денгизи атрофидаги Африка, Спарта, Коринф, Фив каби мустақил шаҳар — давлатларни ва уларнинг вилоятларини бирлаштириб, буюк Юнонистон давлатини тузган. Мана шу улкан давлат адабиёт, санъат, фалсафа, техника соҳасида шундай буюк кашфиётларга эришдики, ўша вақтларда яшаган Суқрот, Афлотун, Арасту каби донишмандлар, Эсхия, Софокл, Эвранид каби шоир, драматурглар, Фидий, Праксител каби ҳайкалтарошлар, Ксенофонт, Херодот, Фукидид каби тарихчиларнинг асарлари бунинг равшан далилидир. Жаҳон тараққиётида шу замонгача ҳали ҳеч ким Юнон драматурглари ва ҳайкалтарошлари асарига тенглашадиган асар ярата олмаган (Шекспир, Расин, Мильтон бундан мустасно).

Ана шу даврда Юнонистон ҳарбий санъат соҳасида ҳам юксалиб, Шарқдаги энг қудратли давлат Эрон билан 50—100 йилгача тинимсиз урушлар олиб борди. Мана шу Эрон—Юнон урушларида Марказий Осиёдаги бизнинг аждодларимиз — Хоразм, Суғд, Бақтрия (Боктар-замин) да яшовчи соқлар, масоғитлар, сарматлар, даклар ва бошқа искитлар (Оврупоча-скифлар) Эронга иттифоқчи сифатида қатнашган эдилар.

Ўша замонларда ҳам Кичик Осиёда (ҳозирги Туркия давлати ўрнида) туркий халқлар яшаганлар. Юнон даҳо шоири Ўмир (Гомер) нинг машҳур «Илиада» достонида тасвирланган Троя урушларида юнонларга қарши трояликларга хоразмлик лашкарлар ёрдамга келганлиги айтилади. (Милоддан аввалги II-асрда яшаган Рим шоири Вергилийнинг «Энеида» достонида ҳам шундай маълумот учрайди).

Биз истаймизми, йўқми, қадимги дунё тарихида юнонлар, ҳиндлар, мисрликлар энг юксак маданият бунёд этган халқлар саналади. Туркий халқлар ўша замонларда жуда жанговар, урушқоқ ҳамда анча шафқатсиз бўлгани учун «маданий» халқлар томонидан «варварлар» — ёввойилар деб айтилган. Марказий Осиёдаги ҳозирги халқларнинг қадим аждодлари саналган хуннулар содда, оққўнгил ва кўчманчи халқ бўлса ҳам асрлар давомида буюк Хитой ва Чин давлатиға босқинлар қилиб, бой ўлкаларини қўлга киритганлар. Хуннуларнинг ҳозирги авлоди — ўғуз турклари, хоразмийлар ва уйғурлар деган фикр бор. Туркий халқларнинг буюк қаҳрамони Ўғузхон (Маҳмуд Қошғарий луғатида — Алп Эр тўнга) отаси, Шаной (яъни подшоҳ) Тувлин (ёки Туман) томонидан душман элчиларига гаров сифатида юборилади. Аммо кейинроқ Ўғузхон (халқ оғзаки ижодида Мадайхон) асирликдан қочиб, отаси Тувлин қошига келади.

Тувлин Шаной ўғлига кичикроқ қўшин беради. Хитой Херодоти деб улуғланувчи тарихчи Сима Сян китобида Тувлин ўғли Мао-Дун-Модун деб аталади. (Шу Модун) Мадай ёки Ўғузхон, яъни ўғуз уруғларининг хони) ўз жангчиларини ўта моҳир ва шафқатсиз қилиб тарбиялайди.

Хуннулар давлатини тузган ўғуз уйғур турклари ўқ-ёй ва чавандозликда дунёда беқиёс деб шуҳрат топган. Буларнинг камалагидан отилган ўқ чийиллаб ҳуштак овози чиқариб борар экан. Чунки ўқлари думига тешиклари бор, суякдан ясалган шарча ўрнатилган экан. Мана шу Модун ёки Ўғузхон навкарларига «Бугундан бошлаб, мен қайси нишонга отсам, сизлар ҳам худди ўша ерга отасизлар . Ким буйруғимни бажармаса, бошини оламан!», — дебди. Ўғузхон биринчи бўлиб, ўзининг чиройли саман отига ўқ отибди. Жангчилари бошлиқнинг севимли отини ўлдиришга журъат қилишмабди, Ўғузхон шунда қилич билан жангчиларининг бошини узиб ташлабди. Учинчи бўлак жангчиларни чақирибди ва ... севимли отаси — Тувлинга қарата ўқ узибди. Жангчилари ҳам баробар ўқ узишибди. Ўғузхон отаси ўрнига тахтга ўтирибди. Шарқу ғарбга истилочилик урушларини бошлабди.

Бу воқеа атоқли уйғур тарихчиси Турғун Олмоснинг «Хуннуларнинг қисқа тарихи» китобида ҳам келтирилган. Эҳтимол, у бу маълумотни Хитой манбаларидан олгандир? Эҳтимол, бу афсонадир? Аммо сал кейинроқ Хуннулар буюк Рим империясини босиб олгани рост.

Маҳкам МАҲМУД.

Одоб

ҚАЙСИ ГУЛДАН АСАЛ ЙИҒИБ КЕЛДИНГ?

Зоир деган бола ўзини «шер» билади. Уқишлари тузук эмас, гавдаси миттигина, аммо тили қурғур шундай узунки,ота-онасига, ака-опасига салом берса, ўзини ноқулай сезади. Кўпинча салом сўзини чала айтади. Мен унинг кўзларида қувонч эмас, ҳар гал ҳадиксираш ва бахилликни кўраман. Нега салом беришни ёмон кўрасан, десам, — нега аралашасиз, бу менинг ишим, — дейди.

Сизлар эртак қаҳрамонларининг «агар саломинг бўлмаганида икки ямлаб, бир ютардим», деганларини кўп эшитгансиз. Бунинг замирида одоб ва ахлоқнинг азизлиги, кўриниб турибди.

Демак, сиз ҳеч қачон салом беришни ор деб, билманглар. Балки салом бериш юксак мукофот. Кўнглида кири, қалбида бахилликнинг изи йўқ ҳар қандай инсон бир-бирига тик қараб салом бера олади. Шу ўринда Малик Муродовнинг «Сирли сандиқ очилди» китоби қаҳрамони Мурод бобо гапларини эслатмоқчиман: «Болам, —деган эди Мурод бобо,—ҳатто ҳайвонлар, қурт-қумурсқалар, ўт-ўланлар ҳам саломлашишади. Митти асаларилар ё гулларни кузатганмисан: ин оғзида «қоровул» турган асалари қайси гулдан асал териб келганини биларкан-да, ичкарига қўяркан. Ҳа, дунёда нимаики бор, бир-бири билан кўнгил сўрашишади... Аммо саломнинг энг улуғи биз—одамларда...»

Ҳисса:

Яхши одам бесалом бўлмас,
Саломи борни ўқ-ёй ҳам олмас.
Камтар бўлсанг, ҳурмат қилар эл,
Бесалом-чи, лаънатга доҳил.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

МАЪРИФАТГА ЭЛТУВЧИ ЭШИК

Фахр

Миллатни миллат қиладиган унинг ўз маънавияти экан, минг йиллардан буён ақлу заковат билан бунёд этилган бой маънавий меросимиз бор. Халқимиз бу билан фахрланади. Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги 141-мактабда «Маърифатга элтувчи эшик» деб номланган маънавият ва маърифат маркази ташкил топди. Марказ фаоллари ёшларимиз тарбиясига катта аҳамият бермоқда. Бу ердаги илк машғулот қатор драматик асарлар, телевизион пьесалар, миниатюралар муаллифи Алп Жамол қаламига мансуб «Тойчоқ» видеофильми муҳокамасига бағишланди. Маҳалла аҳли ва мураббийлар видеофильм режиссёри Мираббос Мирзааҳмедов, актёрлар Путфулла Саъдуллаев ва Гулчеҳра Саъдуллаевалар, Манфаат Асомиддинова ва Муҳиддин Асомиддиновлар билан дилдан суҳбатлашишди. Алп Жамол кўп қиррали ижод соҳиби эди. У 1915 йил Тошкентнинг «Чувалачи» маҳалласида таваллуд топган. Отаси Асомиддин Миразимбой ўғли бадавлат оиладан бўлганлиги учун уни ўқишга қабул қилишмади. Шундай бўлса-да Жамолиддин билим олишни ташлаб қўймади. Ўзбек классик адабиётини ва Туркистон халқлари тарихини мустақил ўрганди. Алишер Навоий, Путфий, Саъдий, Бедил ва Сайрамий ғазалларини ёд олди. Араб ва форс тилларини ўрганишга киришди. 1930 йиллар охирида у машҳур бахши Фозил Йўлдош ўғлидан кўплаб халқ достон ва термаларини ёзиб олди. Алп Жамол 1961 йилдан Ўзбекистон телевидениясида «Телевизон миниатюралар» театрини бошқарди. Алп Жамол телевидениеда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг асосий ижодкорларидан бири бўлиб танилди. Адибнинг «Тош тешар», «Меҳрибонлар», «Жафога вафо» сингари пьесалари Тошкент ва вилоят театрларида саҳнадан тушмай келяпти. Адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан танишар эканмиз, ўқувчиларимиз орасида Алп Жамол ижодига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини англадик. Маърифатга элтувчи эшик қуёшга қараган. Ундан маънавиятимизни шуълалантирувчи нурлар оқиб кириб келаверади.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ.

МЎЪЖИЗА ЯРАТГАЙ ЎЗБЕК КУЛОЛИ

Қоп-қора кўзлари
ҳайратли бола,
Қувончи бир дунё,
ғайратли бола.
Ватан тупроғига
меҳрини тиккан,
Руҳи баландпарвоз
сийратли бола.
Боболар излари
қолган Ватанинг —
Кичкина жавҳари,
мурғак жонисан.
Мўъжиза яратган
ўзбек кулолин
Томирида оққан тоза
қонисан...

Қадимда Қуқонқишлоқ кулолларининг шуҳрати олис-олисларга тарқалган эди. Бу ердагилар ҳам ота-боболари ишини давом эттиришмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар техника ижодиёти маркази қошида ҳам кулолчилик тўгараги ташкил этилди. Дастлаб 12-мактабда иш бошлаган бу тўгарак аъзолари тез кунда юздан ортиб кетди. Тажрибали мураббий Қутбиддин Турдиев ёшларга кулолчилик сир-асрорларини ўргатмоқда. Албатта, ҳамма иш ҳам дарҳол юришиб кетавермайди. Ёш кулоллар ишига дастлабки баҳо вилоят иқтидорли болалар кўригида берилди.

Сўнг ёш кулоллар республика иқтидорли болалар кўригида вилоят шарафини ҳимоя қилиш учун жиддий тайёргарлик кўрдилар. Уларга омад кулиб боқди. Бетакрор шакл ва чуқур мазмунга эга «Саҳродаги булоқ» асари учун пахтаободлик ёш кулолларга фахрли биринчи ўрин насиб этди. Бугунги кунда тўгарак аъзолари лойдан ясаган ўйинчоқлар ёнига ўқув қуроллари, пиёла ва косалар қўшилди. Энди улар мис ўймакорлигида ҳам ўз қобилиятларини синаб кўрмоқдалар.

Гулнора ЗОКИРОВА, Андижон вилояти, Ўқувчи ёшлар техника ижодиёти марказининг «Ёш қаламкаш» тўгараги аъзоси.

Олам менинг тасаввуримда

Хаёл. У инсонни қаерларга олиб бормайди.

Биз ўз тасаввуримизда турли ўлка ва оламларни жонлантира олиш имконига эгамиз. Биз билмаган оламлар каби биз бормаган оламлар нақадар кўп. Инсон тасаввури билан яратилган олам эса жозибалидир. Шу боис газетамизда «Олам менинг тасаввуримда» деб номланган янги рукн очишга қарор қилдик. Қадрли болалар! Тасаввур оламига саёҳат қилиш ниятида тенгдошларингизнинг баъзиларидан Африка ҳақида сўраб, жавоблар олдик. Ушбу саҳифамизда улар тасаввуридан яралган Африка ёритилмоқда. Марҳамат, ўқинг ва ўйлаб кўринг. Сиз қайси мамлакатларга боришни истайсиз? Уни қандай тасаввур қиласиз. Балки ўша мамлакат ҳақида ёзишни истарсиз. Мабодо шундай истак туғилса, демак, кейинги саҳифани сизнинг тасаввурингиз ёритади.

HELLO, АФРИКА!



МАЙМУНЛАРГА ТОШ ОТСАНГ, МАЙМУНЛАР БАНАН ОТИШАДИ

Африкада қиш бўлмайди. Қуёш умуман ботмаса керак. Шунинг учун одамларнинг ташвишлари ҳам кам, доим кулиб юришади. Тўғри-да, ҳамма вақт иссиқ бўлгач, нимaнинг ҳам ғамини еийшарди. Болаларга айниқса маз-за. Оналари қўлинг нега кир, усти бошингни қара, деб уришишмайди. Чунки у ерда ҳаммaнинг қўли қора. Қорни очиқса бирорта дарахтнинг танасига бир тепсанг туп этиб икки-учта мева тўкилади. Ейсану, ўша дарахтнинг соясига ёнбошлайсан. Маймунларга тош отсанг, улар сенга банан отишлари ҳам мумкин... Тўғри, йиртқич ҳайвонлари кўп, лекин, африкаликлар ҳам содда эмас. Улар доим найза, камон олиб юришади. Тунда эса кўзга кўринмай қолишади. Таналари қора-ку, ахир. Қор ёғмаслигидан улар хафа бўлишмайди. Чунки қор нималигини билишмайди.

Мен ҳабаш аёлни кўрганман. Сочлари майда чилвир қилиб ўрилган. Ғалати. У билан гаплашмоқчи бўлиб, «хело» десам, кулиб «хело» деди. Биз бошқа гаплашмадик. Чунки мен инглиз тилида шундан бошқа бирорта ҳам сўз билмас эдим-да. Тил билмаслигимдан жуда укиндим. Йўқса мен ундан бегемот ва тимсоҳлар ҳақида сўрамоқчи эдим. Ҳозир инглиз тилидан анча сўзларни ўрганиб олганман. Бахтга қарши африкаликлар учрамаяпти. Дадамдан уларни қаерда учратиб, гаплашишим мумкин, деб сўрасам. «Яхши ўқиб, тил ўргансанг, эҳтимол ўзинг ҳам Африкага бориб қоларсан», дедилар. Ҳозир яхши ўқиб, тил ўрганяпман. Орзуга айб йўқ. Эҳтимол Африкага бориб қоларман. Хело, Африка! — дейман ўшанда. Менга тимсоҳ ва маймунларни кўрсатинг. Уларнинг ҳаётини ўрганмоқчиман...

Озодбек ЯХЁ,
Тошкентдаги 65-мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

Мен улардан чўчимайман

Африка менимча шунақа: Қуёш. Ис-сиқ... ҳамма ёқ қум...

У ерда қиш бўлмайди. Одамлари Қоравой қассобнинг қайроғидай қоп-қора...

Бултур муаллимимиз шаҳарга экскурсияга олиб боргандилар. Кўчада кетаётсак, Санобарнинг ботинкасининг боғичи ечилиб кетди. Тор кўчада эгилиб, ипини боғлаб турса, тепасига бир киши келибди. Бошини кўтариб қараган Санобар шайтонлаб қолувди ўшанда. Аввал ҳабашни кўрмаган экан-да. Мен улардан чўчимайман. Биламан, улар беозор бўлишади.

Африкада тимсоҳлардан эҳтиёт бўлиш керак. Улар сув ичгани келишган моллар ва қушларни тишлаб, сув остига олиб кириб кетишади. Филлари ажойиб. Баланд. Калласининг устига одамларни миндириб, хартумларида болор кўтариб юришади. Ана шундай катта филларниям ютворадиган илонлари бормиш, анаконда деган. Африкада гапирадиган тўтилар ҳам бор.



Одамлари чайлаларда яшашади. Белларига похол ўраб, қўлларида найза, бўйинларида бир боғлам тешиккулча «ҳу-лу-лу-лу» деб югуриб юришади...

Уларнинг нега қорайиб кетишганини биламан. Бобом айтиб берганлар. Бу энди жиддий гап:

Шамси Табризий деган авлиё ўтган. Шоир ҳам бўлган.

Африкага борганида қассобдан бир парча жигар олибди. У кабобпазга олиб борибди «пишириб бер» деб. Бунисига олиб борибди «пишириб бер» деб. Ҳайдашибди: «Қоч, савдодан қолдирма» дейишибди. Бозорда бирорта ҳам раҳмдил кабобпаз йўқ экан. Туш пайти. Чарчабди. Очиққан шоир жигарни боши узра кўтариб, қуёшга дебди: «Эй, қуёш, сен ҳам Шамссан, мен ҳам Шамсман. Адаш! Шу жигарни пишириб бер!». Шамс дегани қуёш дегани экан-да. Шунда қуёш найза бўйи пасайиб, жигар пишибди. Одамлар эса иссиқдан аъзойи-баданлари куйиб, қорайиб кетибди. Шундан буён африкаликлар қора танли бўлиб туғилишар экан.

Акмал СИРОЖИДДИНОВ,
Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Қозихона қишлоғи, 21-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси.

ДЕВЛАР ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ривоят қилишларича подшо Доро айғоқчилар орқали бошқа юрт кишиларига Доронинг қўшинида жин ва девлар хизмат қилишади, улар одамларни еб қўйишади, деб гап тарқатаркан. Бошқа мамлакатларга юриш қилганида эса қўшин олдига 10-15 та барзанги ҳабашларни қўйиб қўяркан. Уларни кўриб, қўрқиб кетган ўзга мамлакат кишилари ура қочишаркан. Улар эса бошқа юртларни осонгина босиб олишаркан. Доро мустамлакасида бўлган Рум халқи қўзғолон кўтариб, бир ҳабаш камон ўқидан ўлади. Ҳабаш танасидан оққан қизил қонни кўрган румликлар улар ҳам оддий, ўзларига ўхшаган одам эканини сезиб қолишади-ю, душманларини қириб ташлашади.

Африка! Океан ортидаги бу сирли ўлкага ким ва қачон биринчи марта борганини билмайман. Лекин ўша одам ҳайратлар юртига келиб қолдим деб ишонганига аминман.

Шамсиддин ЭРГАШЕВ,
Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, 8-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Инсоният илғамаган гўзаллик

Саванналар... Турли ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой жунгли... Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган урф-одатлар, ғаройиб ҳаёт тарзи... Бошқа ирқ...

Босқинчи мамлакатлар томонидан истило қилинган Африка одамлари қора танлари боис узоқ муддат камситиб келинди. Аслида эса улардан фақат ишчи сифатида фойдаланиб, ривожланишларига йўл қўйишмади. Шу боис бўлса керак, африкаликлар учун озодлик мўътабар тушунча. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларнинг тиштирноғигача қуролланган қўшинига қарши африкаликлар оддий найза ва болталар билан бўлса-да, мардонавор жанг қилишган. Босқинчиларнинг кўпчилиги қириб ташланган. Африкаликлар тарихида бундай жанглар кўп бўлган ва улар ифтихор қиладиган саналар талайгина. Шуниси қизиқки рангларимизда фарқ бўлса-да африкаликлар билан халқимиз тарихи ва ҳаётида ўхшашликлар бор. Бугунги кунда африка халқи ҳам тараққиёт бўсағасида турибди.

Африка дунёга спорт юлдузлари етказиб берадиган мамлакат дейилса ҳеч ким ажабланмаса керак. Чунки оламга довруғи кетган қора танли спортчилар номини бу ўринда тилга олишнинг хожати йўқ. Африкаликлар кучли ва чидамли бўлишади. Бунга табиат, эҳтимол, қуёш ҳарорати сабабдир. Жазирама иссиққа қарши организм ҳосил қиладиган иммунитет инсон имкониятларини янада оширар балки. Балки инсоният қора танлилар сиймосидаги гўзаллик ва афзалликни тўла илғамагандир.

Мухтор КОМИЛОВ.

«ЗУМРАША»

Уқитувчи:
— Сотқинлик нима?
Зумраша:
— Ҳозир қанд кўп, лекин биз ҳар доим бемаза чой ичамиз. Агар буни ота-онамизга айтсак сотқинлик булади. Буни бизга боғча опамиз ўргатганлар.

Ҳис этдингизми? Зуккосизда! Ақлингизга «беш», республика ҳажвий киножурнали «Зумраша» ижодкорлари, ёш актёрлари мактабингиз, хонадонингизнинг азиз меҳмони...

«Зумраша» ҳажвий киножурналининг дунёга келганига уч йил бўлди. Ҳар йили киножурналнинг тўртта сони яратилади. Бу— албатта кам. Болалар иштирокида яратилган кичик кино сюжетлар кичкинтойларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Улардан устозларнинг ҳам умиди катта.

Тингланг-а!

Худойберди ТЎХТАБОЕВ, ёзувчи:

— Энг муҳими, қувноқ асарлар рангларнинг ҳаддан ташқари тиниқ ва тоза, сюжетларнинг кескин булишини талаб этади. Бола руҳияти шаклланиш палласида юморга мойил булади. Масалан, Жанни Родари асарини, севимли адибимиз Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»сини олинг.

Бу асарлар дунё миқёсида қайта-қайта нашр этиляпти. Уларда самимий юмор бор.

Болаларимиз шаклланиш арафасида турибди. Руҳий дунёси, маънавий олами шу бугун тўлмаса, эртага кеч булади. Болалар дунёсида камчиликлар талайгина. Уларнинг камчилигини болаларнинг кўзи билан, болаларнинг сўзи билан, болалар иштирокида айтилса, таъсири кучлироқ булади.

«Зумраша»га ўхшаган ҳажвий фильмларни кўпайтириш лозим. Қуқон, Фарғона, Наманган, Андижонда зукко болаларимиз мактабга кетаётганда бирбирларини кулдириб боришади. Ҳар қандай кулгу остида юмор ётади. Холисона танқид остида эса ахлоқни тозалаш, поклаш бор. Қанийди, қулимдан келса, «Зумраша»га мос асарларни кўпроқ яратардим.

Анатолий ҚОБУЛОВ, «Наштар» ва «Зумраша» республика ҳажвий киножурналлари бош муҳаррири:

— Кузатганмисиз, қайси юртнинг ўзбек аскиясидек бойлиги бор? Насридин Афанди каби халқ қалбига кира олган инсонларни кўрганда дилдан яйраб кетамиз. «Зумраша»нинг номи ҳақида кўп ўйладик. Етакчи режиссёр, сценарий муаллифлари билан кенг мушоҳада этдик. Ёш ўқувчилар онгига мос номни топиш осон кечмади. Ниҳоят, шу кунгача болажонларимизга яхши таниш булиб қолган «Борса келмас», «Қасос», «Инглизчасига», «Чипшакка чиқди», «Узи илинди» каби 15 дан зиёд кино лавҳалар юзага келди.

«Зумраша» ҳажвий киножурналига жалб этилаётган болалар ҳозирча пойтахтнинг турли мактабларида таълим олаётган, ўқувчилар, жумладан, 231-мактабдан Дурдона Раҳимова, 178-мактабдан Беҳруз Абдусаматов, 208-мактабдан Ситора Тўлаганова ҳамда Дурбек Тураев. Шоҳжаҳон Аҳмедов, Санжар Йўлдошев, Зиёда Аҳмедова, Достон Убайдуллаевлар барча фильмларда маҳорат билан қатнашаётирлар.

Албатта, «Зумраша» ўз мухлисларига эга. Айтиш жоизки, ҳали ёшларимиз қалбига кира олганимиз йўқ. Биз синф ўқувчиларини суратга олиш жойи йўқлигидан мактабларга бориб, 1—2 кунга, 3—4 соатга рухсат сўраймиз. Маъмурият пул тўланг, дейди. Аҳволимиз танглигини, шароитимизни тушунтирамиз. Уз ўқувчиси фильмда иштирок этаётгани учун «ижро» ҳақини сўрашади...

Биргина республика «Камолот» жамғармасининг ҳомийлиги сабаб йилда тўрттагина ҳажвий фильм ишлаб чиқармоқдамиз. Яқинда «Умид» жамғармаси ташкил этилди. «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармалари ҳамкорликда бизни қўллаб қувватлашса, миннатдор бўлар эдик.

Мазлума ПЎЛАТОВА, режиссёр ёрдамчиси:

— Кузатган булсангиз, «Зумраша»да қатнашаётган ёш актёрлар 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болажонлардир.

Қобилиятли, зукко болаларни ҳозирча пойтахтимиздаги мактаблардан излаяпмиз. Республика мактабларидан излаб топишга ҳам қодирмиз, аммо техник жиҳозларни жойларга олиб бориш, ёки уларни бу ерга чақириб келиш муаммолари фақат бизгагина боғлиқ эмас...

Шундай булса-да, Мурод Ҳидоятов, Лидия Усачева, Санжар Бобоев, Фарид Давлатов, Валерий Гусей, Тоҳир Юнусов сингари монтажчи, режиссёрлар, Маҳмуд Тўйчиев, Фарҳод Мусажанов, Неъмат Аминов сингари жонкуярлар тиним билмай ижодий изланишни давом эттиришмоқда.

Суҳбатдош: Мухтор БЕК.

СУРАТЛАРДА: «Зумраша» актёрлари: Беҳруз Абдусаматов, Дурдона Раҳимова, Санжар Йўлдошев ва Шоҳжаҳон Аҳмедов.

ОЛАТОЙ ҲАҚИДА ҚИССА

(Бошланиши ўтган сонларда)

Шунда менга бир фикр келди.

— Сизлар ҳаммангиз уйга кирринглар, балки кўпчиликдан чўчиётгандир. Сиз эса бир ликопчада уч-тўртта жаз олиб келинг.

— Вой, энди бир камимиз шу эди, — деди опоқ ойингиз, лекин ошхонага қараб кетди.

Мана, томда Олатой, пастда эса мен. Қўлимдаги ликопчада андак гўшт.

— Қўркма, бу хонадонда сенга ҳеч бир зот озор бермайди, кел, келақол, вой ўзимнинг Олатойгинам, чучима, дадилроқ бўл, —дейман тинмай.

— Ануларни қаранг, — дейди равонда туриб бизни кузатаётган опоқ ойингиз. — Худди одам билан муомала қилаётгандек гаплашяптилар. Тавба! Кошки тушунса.

— Нега тушунмас экан, тушунади, баъзи калтафаҳмларга қараганда яхшироқ тушунади, — дейман бўш келмай.

Олатойга яна далда бераман, ликопчадаги гўштни кўз-кўз қиламан. Мен кутган мўъжиза рўй берди. Олатой аста-секин нарвондан пастга қараб туша бошлади. Ана бир, иккинчи пиллапоядан тушди ва ниҳоят учинчиси. Шу ерга келганда у менга тикилганича қотиб қолди. Дилимда қандай ният борлигини уқиб олаётгандек синчковлик билан қараб турарди, мен эса яна ҳам мулойим булишга ҳаракат қилардим. Билмадим, ишондимми ёки гўштнинг ҳиди димоғига уриб, қанча вақтдан бери оч ётган танасидаги аъзолари жунбушга келдими, ҳар қолда у анча дадиллик билан пастга туша бошлади. Олатой туша солиб апил-тапил гўштни ея бошлаганди.

— Урра, Олатой тушди, — равонда невараларим чапак чалиб, хурсандчиликдан сакрашаётганди. Уларга қараб курсатгич бармоғимни тикка қилиб, лабимга босдим, «секинроқ, секинроқ», дейман.

— Вой тавба, — дейди Равшанхон ҳайратини яширолмай.

— Мен мушукнинг ёнимизга тушишига умуман ишонмагандим. Яхши муносабатнинг, яхши сўзнинг қадрига шулар ҳам етса, одамлар ҳақида нима дейиш мумкин. Бундай воқеани умримда биринчи бор куришим. Ё қудратингдан ўргилай.

Гўштни паққос тушириб, лабини ялар экан, Олатой ҳамон мендан кўзини узмасди. Шу ўртада тап-туп қилиб, невараларим ҳовлига тушишди. Олатой уларга кўзи тушиши билан лип этиб эшиги очиқ турган ертўлага ўзини урди. Зафархон билан Жамшидхон «вой-вой»лаганча қолишди.

— Энди у ердан чиқмайдими, дадажон? — сўради невараларимнинг кичиги.

— Чиқади, албатта, чиқади, — дедим унга далда бериб, — лекин ҳозирча уни бирор нотўғри ёки булмаса қўполроқ ҳаракат қилиб бездириб қўймаслигимиз шарт. Эҳтиётлик билан, чўчитмасдан, аста-секин ўзимизга ўргатишимиз зарур. Уч-тўрт кун ўтгач, ўрганади, албатта ўрганади.

— Силасам буладими,— Жамшидхон ўзига хос ширин тили билан тинмай сўзлашда давом этарди. Аслида эртадан кечгача унинг менга берадиган ажабтовур саволлари бусиз ҳам кўп эди, жуда кўп эди. Эндиликда унинг учун ҳаётнинг бутунлай, унга шу пайтгача номаълум бўлган саҳифаси очилаётганди. Ана энди жавоб бериб улгурсанг бас.

— Гўштдан бошқа яна нима берса бўлади, мен билан ўйнайдими, агар қучоқласам тишлаб олмайдими, у билан ўйнаганимда тирнамайдими, қаерга жой қилиб берамиз, кечаси бирга олиб ётсам бўладими, ану, Маҳмуджон деган ўртоғим мушуги билан бирга ухларкан...

Ҳаммадан ҳам Зафархоннинг саволи ошиб тушди.

— Дадажон, Олатойга олма берсам майлими?

Мен бақрайиб қолдим. Тўққиз қаватли уйда катта булган бу норасидаларда нима айб? Қаердан ҳам билсин, қай жонивор нима ейишини. Миийғимда кулиб қўя қолдим. Сўнг тушунтирдим.

— Мушук, кучуклар асосан гўшт ейди, қолган овқатларни ҳам берса булади. Улар мевачева, сабзавот емайдилар. Анави молхонадаги қўйлар эса ўтулан, хас-чўп, мева-чеваларни ейишади. Борди-ю, қовун-тарвуз пўчоқларига овқат қолдиқлари аралашиб қолса, биттаяримта без ёки чандирлар бўлса ҳам, ўша тоғорадаги нарсани емайди. Катаклардаги товуқларга келсак, улар ҳаммасини еяверади. Лекин уларнинг озиги асосан дон. Қолган овқатлар бўлса ҳам паққос туширишади. Фақат мева-чеваларни, ўтни майдалаб бериш зарур.

— Нега майдалаб? — сўради Жамшидхон.

(Давоми бор)

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Жаҳондаги энг катта глобус буюк ўзбек олими Абу Райҳон Беруний томонидан 1017 йили ясалган. Бу баҳайбат глобус Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғи билан Ғазна шаҳрига олиб кетилиб, ўша ерда эскириб, охири ташлаб юборилган. Етти иқлим харитасини ҳам чизган олим бобомиз океаннинг нариёғида бир қитъа — Америка борлигига ишора қилган.

* * *

Энг биринчи велосипед тўрт ғилдиракли бўлиб, 1649 йил германиялик Г. Гантцель томонидан, уч ғилдираклиси францияллик Р. Л. Рошелли томонидан 1693 йили, икки ғилдираклиси эса инглиз Овендон томонидан 1761 йили яратилган. Ҳозирги кунда дунёда энг кўп тарқалган транспорт воситаси велосипед бўлиб, унинг сони 670 миллионга яқиндир. Шундан 225 миллиони Хитой ва Японияда минилади.

* * *

Француз механиги Конте 1790 йилда қаламни ихтиро қилди. У графит кукунини маълум миқдорда хилма-хил тупроқ билан қориштириб, кейин уни ёғоч қобиққа жойлаган. Натижада ҳозирги қаламларимизга қараганда қўполроқ ёзув қуроли пайдо бўлган. Рангли қаламлар сал кейинроқ яратилган.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0155.
11960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
1 2 3 4 5 6